

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: ТАРИХИЙ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг таклифига биноан 4-5 февраль кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ўзбекистон ва Малайзияни тарихий дўстлик алоқалари мустаҳкам боғлаб туради. Бу дўстлик эса ўзаро тенг манфаатлар, бир-бирига яқин маданий қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар асосига қурилгани билан аҳамиятли. Яқдиллик кейинги йилларда яқол намоён бўлди. Хусусан, икки давлат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

5 февраль куни Куала-Лумпур шаҳридаги “Пердана Путра” ҳукумат мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига faxрий қоровул саф тортди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон Президенти faxрий қоровул сафи олди.

Шундан сўнг “Пердана Путра” ҳукумат мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида музокара ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Малайзия Бош вазирига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, муваффақиятли амалга оширилаётган “Madani” давлат стратегиясининг юксак натижалари билан дилдан қутлади.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Малайзия Бош вазинининг ўтган йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган

тарихий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга катта суръат бағишлагани таъкидланди.

Сиёсий мулоқот ва парламентларо алоқалар фаоллашди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони ошмоқда.

Ўтган йили Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди, Ишбилармонлар кенгаши тузилди, қатор йирик бизнес форумлари ташкил этилди.

Ташриф арафасида таҳлилий марказлар учрашуви, Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва маданий мероси тақдиротлари, етакчи олий таълим муассасалари ректорлари форуми ўтказилди.

Ҳамкорликни ривожлантириш ва олий даражадаги келишувлар ижросини

самарали мувофиқлаштириш мақсадида Ташқи ишлар вазирларининг стратегик мулоқоти платформасини ташкил этишга қарор қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида Ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги амалий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш мақсадида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро саноат кўргазмаларини ўтказиш, Саноат кооперацияси дастурини қабул қилишга келишиб олинди.

Малайзия ҳукумати Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватламоқда.

Етакчилар 2025-2026 йилларни Ўзбекистон — Малайзия шериклигини инновацион ривожлантириш даври деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделининг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Булар — нефть-кимё ва кимё, электроника ва яримўтказгичлар саноати, инновацион саноат, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, “яшил” энергетика, зиёрат туризми ва бошқалар.

Кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент вилоятида Малайзиянинг етакчи компанияси бошқарувида махсус иқтисодий зона ташкил этилмоқда.

Давлат раҳбарлари фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Жорий йилда Ўзбекистон ва Малайзияда маданият ҳафталари ўтказилди.

Етакчилар минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Терроризм, радикализм ва исломофобияга қарши курашда сазй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Музокаралар якунида эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни тайёрлашга қарор қилинди.

Яқунда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазири Анвар

Иброҳимни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот имзоладилар.

Шунингдек, қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди:

— Махсулотларнинг “ҳалол” стандартларига мувофиқлигини баҳолаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида битим;

— Олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Суд-экспертлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Академик-дипломатик ҳамкорлик тўғрисида битим;

— “Ақлли” шаҳарларни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— 2025-2026 йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги шерикликни чуқурлаштириш бўйича қўшма режа.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Ислом санъати музейига ташриф буюрди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мажмуа мамлакатнинг энг йирик музейларидан бири ҳисобланади. У 1998 йилда ташкил этилган.

Музей анъанавий ислом меъморчилиги услубида барпо этилган бўлиб, унинг умумий майдони 30 минг квадрат метрдан зиёдни ташкил этади.

Бино гумбазининг ички қисмини безаш ва реставрация ишларида Ўзбекистонлик усталар иштирок этган.

Бу ерда 10 мингдан ортиқ ислом санъати намуналари сақланмоқда. Доимий экспозицияда Қуръон қўлёмаларининг ноёб тўплами, сопол ва қимматбаҳо буюмлар, қарол-яроғ намуналари ва иншоотлар макетлари, тақинчоқлар, тангалар ва бошқа ашёлар намоиш этилмоқда.

Музей фондида замонавий Ўзбекистон ҳудудида турли тарихий даврларда яратилган 200 га яқин ноёб экспонатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар орасида ўрта асрларга оид қўлёмалар, заргарлик буюмлари, машҳур абр матолари ва кийим намуналари, Шарқ Ренессансига оид кулчилик буюмлари мавжуд.

Давлатимиз раҳбари экспонатларни кўздан кечириш чоғида биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва кўргазмалар ташкил этиш, илмий ва маданий алмашинуви кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим Куала-Лумпур шаҳрида қўшма бизнес форумида иштирок этдилар.

Тадбирда икки мамлакат етакчи компаниялари, инвестиция ва банк-молия институтларининг 200 дан зиёд раҳбарлари, жумладан, Малайзиянинг “Petronas”, “MMC Corporation”, “DRB-Hicom”, “Gemilang Coachwork”, “Proton”, “Gentari”, “Five Petroleum”, “YTL Corporation”, “Sunview Group”, “KPI Healthcare”, “MK Tron”, “Mimos”, “Sparco Engineering”, “Tradewinds Group”, “Kapital DX”, “Gamuda”, “Westports”, “Khazanah”, “EXIM Bank of Malaysia” ва бошқа кўплаб компаниялари вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида олий даражадаги самарали музокараларда Ўзбекистон — Малайзия шериклигини инновацион ривожлантиришнинг икки йиллик даврини бошлаш бўйича келишувга эришилгани, амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинганини таъкидлади.

Ўтган йили Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши ташкил этилгани, икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида қатор йирик тадбирлар ўтказилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимиз географик жиҳатдан бир-биридан олис бўлишига қарамай, транспорт ва логистика имкониятлари кенгайиб бормоқда. Пойтахтлар ўртасида деярли ҳар куни тўғридан-тўғри авиақатновлар амалга оширилмоқда.

Бўлиб ўтган музокараларда мавжуд захиралар чуқур таҳлил қилиниб, кўп қиррали шерикликнинг янги “ўсиш нуқталари” белгилаб олинди.

Давоми 2-бетда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА АСЕАН МИНТАҚАЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ САММИТИ ЯҚУНЛАРИ ҲАҚИДА



4-5 февраль кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзияда икки кунлик расмий ташриф билан бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим билан самарали музокаралар ўтказди, етакчи компаниялар, инвестиция ва банк-молия институтлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида ўтказилган қўшма бизнес-форумда иштирок этди.

Куала-Лумпурда бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар якунида Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма баёнот, шунингдек, туризм, таълим, маданият,

соғлиқни сақлаш, божхона, суд-тиббиёт, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликка оид салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Хорижий экспертлар Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик фаоллашгани табиий жараён эканини, ташриф дастури ва унинг натижалари шундан далолат беришини таъкидламоқда.

Давоми 2-бетда

Президент топшириғи — амалда СЎРХОНДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ОРАСИДАГИ МАСОФА 146 КИЛОМЕТРГА ҚИСҚАРАДИ



Худудлар инфратузилмасини янада яхшилашда йўлларнинг равон бўлиши муҳим омиллардан. Шу боис, учта давлат билан чегарадош, юртимизни Осиёнинг қатор давлатлари билан боғловчи муҳим коридорда жойлашган Сурхондарё вилоятида йўл қурилиши борасида кўламли ишлар бажариляпти. Халқаро ҳамда маҳаллий ички йўлларни янада яхшилаш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурлар янгиланишларга асос бўлиб хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 13 мартда Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида масъуларга “Дарбанд — Бойсун — Элбаён” автомобиль йўлини қайта қуриш бўйича топшириқ берган эди. Мазкур йўлни реконструкция қилиш ишлари ўша йил августда бошлаб юборилди. Бугун ҳам жадал давом этмоқда.

Давлат аҳамиятидаги 4Р-100 ва 4Р-105 “Мангузар — Жарқўргон — Бандихон — Олтинсой — Денов” автомобиль йўлининг катта қисмида бетон қопламаси ётқизилди. Ушбу лойиҳа доирасида реконструкция қилинадиган автомобиль йўлининг умумий узунлиги 100 километрдан ортиқ бўлиб, вилоятнинг Бойсун, Бандихон, Қумқўргон, Олтинсой ва Денов туманлари ҳудудидан ўтади.

Давоми 4-бетда



2025 йил 6 февраль, 26-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

СИЁСАТ



ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: ТАРИХИЙ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ИККИ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Товар айирбошлаш ҳажмини қарра-сига ошириш, имтиёзли савдо тўғри-сидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро кўргазма ва ярмаркалар ўтказиш бўйича келишувларга эришилди. Қўшма лойиҳаларнинг салмоқли портфели шакллантирилди. Саноат кооперацияси дастури ишлаб чиқилди.

— Мақсадимиз — муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиш, — деди Президент.

Малайзия Ўзбекистоннинг муҳим инновацион ва технологик ҳамкори-дир. Шу маънода, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Малайзия ишбилармон-лик ҳамкорлигини янада ривожланти-ришининг қатор устувор йўналишлари-ни кўрсатиб ўтди.

Бу, энг аввало, электроника ва яримўтказгичлар саноатида узоқ муд-датли ҳамкорликни кенгайтиришдир. Сунъий интеллект, рақамли техноло-гиялар, маълумот марказлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мумкин-лиги қайд этилди.

Газ-кимё ва кимё саноати муҳим йўналиш ҳисобланади. Полимерлар, “яшил” водород ва аммиак ишлаб чи-қариш бўйича стратегик лойиҳаларни тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Қурилиш соҳасининг жадал рив-ожланиши инновацион ва экологик тоза қурилиш материалларига талабни оширмоқда. Ўзбекистон Президенти Малайзия компанияларини мамлака-тимиз ҳудудларида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва

кенг қўламли бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишга чақирди.

Соглиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари қайд этилди. Замонавий клиникалар қуриш, Малайзиянинг илғор тажриба-си асосида инновацион фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш шулар жумласидан.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-минлашда катта имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди. Шу нуқтаи назардан, “ақли” қишлоқ ҳўжалиги техноло-гияларини жорий этиш, органик маҳ-сулотлар ишлаб чиқариш ва “ҳалол” стандартларини қўллаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан ман-фаатдорлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Малайзия-нинг етакчи компания ва банкларини Ўзбекистоннинг телекоммуникация, энергетика, банк-молия ва бошқа со-ҳалардаги давлат активларини хусу-сийлаштиришда фаол иштирок этиш-га таклиф этди.

Бундан ташқари, геология, таълим, транспорт, зиёрат туризми каби йўна-лишларда ҳамкорлик қилиш учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси малайзиялик ишбилармонларнинг қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қизи-қиши катта эканини, улар технологиялар ва билимлар билан ўртоқлашишга тай-ёрлигини мамнуният билан қайд этди.

Шу муносабат билан Тошкент ви-лоятига Малайзия компанияси бошқа-рувида махсус иқтисодий зона ташкил этилиши маълум қилинди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳ-бари навбатдаги қўшма бизнес фору-мини шу йил кузда Ўзбекистонда ўтка-зишни таклиф этди.

Куала-Лумпур шаҳридаги ишбилар-монлик дастури давомида Ўзбекис-тон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Ан-вар Иброҳим “Petronas” корпорацияси-нинг бош қароргоҳи — “Twin Towers” биносига ташриф буюриб, компания президенти Муҳаммад Тавфиқ билан учрашув ўтказди.

Нефть-газ, нефть-кимё ва қайта тик-ланувчи энергетика соҳаларида етак-чилардан бири бўлган ушбу глобал компания билан ўзаро манфаатли ҳам-корликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари хомашени чу-қур қайта ишлаш ва “яшил” энергетика лойиҳаларини амалга ошириш бора-сидаги истиқболли режаларни қўллаб-қувватлади.

Геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли углеводород конларини ўзлаштириш, карбонат ан-гидрид газини ушлаб қолиш ва сақлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш, “Petronas” университетни неги-зида юқори малакали кадрлар тайёр-лаш устувор вазифалар сифатида қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республика-си Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Малайзияга расмий ташрифи якун-ланди.

ЎЗА

БУЮК БРИТАНИЯДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁШЛАРИ АЛЬЯНСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Мамлакатимиз элчихонаси ва Буюк Британиядаги Ўзбекистон талабалар иттифоқи ҳамкорлигида Лондондаги Қироллик коллежида Марказий Осиё ёшлари биринчи саммити ташкил этилди.

Тадбир доирасида Марказий Осиё ёш-лари альянси (Central Asian Youth Alliance) нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Марказий Осиё ёшлари альянси Марказий Осиёнинг беш давлати талаба-лари ва ёшларини Буюк Британияда мада-ният, таълим ва бошқа соҳаларда ҳамкор-ликни ривожлантириш учун бирлаштириш мақсадида ташкил этилди.

Анжуман аввалида Марказий Осиё ёшлари альянснинг мақсад ва вазифа-лари тўғрисида тақдирот ўтказилди.

Саммит иштирокчиларига Ўзбекис-тон Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев, Қирғизистон таълим ва фан вазири Догдуркул Кендирбаева, Тожикистон ташқи ишлар вазирининг би-ринчи ўринбосари Исмаилов Насриддин видеоурожаат йўллади.

Сўзга чиққанлар Марказий Осиё ёш-лари альянси тузилишига 2023 йилда Ўзбекистон Президенти ташаббуси би-лан имзоланган ёшлар сиёсати бўйича янада ёндашувлар тўғрисидаги битим асос бўлганини қайд этди. Тадбир иш-тирокчилари, шунингдек, ушбу тарихий ҳужжат ёшлар салоҳиятини ривожлан-тириш, минтақавий ҳамкорликни мустахкамлаш ва келгуси авлодлар учун янги имкониятлар яратишга қаратилган умумий стратегияларни ишлаб чиқиш учун хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги БМТнинг Марказий Осиё ёшларини ривожланти-ришга кўмаклашиш ривожини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус ишчи гуруҳини тузиш ташаббуси саммитнинг барча иш-тирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон элчиси Равшан Усмонов ўз чиқишида давлатимиз раҳбарининг халқаро жамоатчиликка йўллаган маъкур

чақириғи ёшларга инвестиция қиритиш минтақа тараққиёти, барқарорлиги ва ин-новациялари калити эканини яна бир бор тасдиқлаганини таъкидлади. Қайд этил-ганидек, ушбу ташаббус келажакни ше-риклик, ўзаро тушуниш ва ижобий ўзга-ришларга интилиш асосида барпо этишга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, эри-шилган натижалар ва келгуси режалар ҳа-қида батафсил сўзлаб берилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Марказий Осиё ёшлари альянси минтақа ёшлари ўртасидаги алоқаларини мустахкамлашга, ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишларини топишга ва бошқа жабҳаларда ёшлар учун таянч бўлишига ишонч билдирди.

Саммит доирасида Марказий Осиё дав-латларининг Буюк Британиядаги элчилари билан талабалар ўртасида очик мулоқот ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғис-тон ва Қирғизистоннинг дипломатик мис-сиялари раҳбарлари ҳамда Тожикистон эл-чиси ўринбосари иштирок этди. Талабалар минтақа расмий вакиллари билан ёшлар сиёсати ва Марказий Осиё тараққиётида ёшларнинг ўрни ҳақидаги долзарб маса-лаларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, тадбир доирасида Мар-казий Осиёдан нуфузли мутахассислар иштирокида онлайн форматда панель му-нозаралар ўтказилди. Уларда дипломатия, спорт ва таълим соҳаларидаги муҳим мас-алаларга эътибор қаратилди.

“Марказий Осиё давлатлари ўртаси-да таълим алоқаларини мустахкамлашда таълимнинг ўрни” мавзусидаги панель мунозарада Ўзбекистон номидан “Эл-юрт умиди” жамағмаси директори Ад-ҳам Бекмуродов қатнашди. Унда таълим

дастурлари, стипендия ташаббуслари ва минтақада талабалар ўртасида академик алмашинув истиқболлари хусусида фикр-лашилди.

“Марказий Осиё минтақасини бир-лаштиришда спортнинг ўрни” мавзу-сидаги панель мунозарада Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов иштирок этди. Мазкур тадбирда спорт тадбирлари ва қўшма та-шаббусларнинг минтақавий бирдамлик-ни мустахкамлашдаги аҳамияти муҳока-ма қилинди.



“Марказий Осиё давлатлари ўртасида алоқаларни мустахкамлаш воситаси сифатида дипломатия” мавзусидаги панель мунозарада Ўзбекистоннинг собиқ ташқи ишлар вазири Владимир Норов маъруза қилди. Ушбу сессияда дипломатиянинг минтақавий ҳамкорлик ривожидagi роли, мавжуд муаммолар ва давлатлар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш имкониятлари ҳақида фикр алмашилди.

Тадбир якунида Марказий Осиё ёшлар ҳаракатлари етакчиларининг жорий йил май ойида Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Глобал ёшлар фестивалида иштирок эти-ши тўғрисида келишувга эришилди.

“Дунё” АА
Лондон



Хесус ХИЛ, Мадрид автоном университетининг Осиё тадқиқотлари маркази профессори, Испания Шарқшунослар уюшмаси бош котиби, туркшунос:

— Ўзбекистон ва Малайзия ўртасида-ги икки томонлама муносабатлар ривожини катта қизиқиш билан кузатдим. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Куала-Лумпурга рас-мий ташрифи икки давлат ўртасидаги страте-гик шерикликни мустахкамлаш, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни кенгайти-ришга интилишининг муҳим босқичидир.

Ўзбекистон ва Малайзия географик жиҳат-дан бир-бирдан узоқда бўлишига қарамай, қўйлаб алоқа нуқталарига эга. Уларни нафа-қат умумий маданий-тарихий ришталар, балки стратегик устуворликлар ўхшашлиги ҳам бирлаштиради. Иқтисодиётнинг модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, барқарор энергетикани ривожлантириш ва халқаро савдо ҳамкорлигини кенгайтириш каби йўналишлар шулар жумласидан. Умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортқ инвес-тициявий шартномалар имзолангани ҳамкор-лиқнинг иқтисодий салоҳияти юксалиб бо-раётганидан далолат.

Илм-фан ва таълим алмашинувини фаол-лаштириш алоҳида эътиборга лойиқ. Ма-лайзия олий ўқув юртиларида 500 дан ортққ ўзбекистонлик талаба таҳсил олаётгани, сўнгги йилларда университетлар ўртасида 25 та шартнома имзолангани академик ҳам-корлиқнинг муҳимлигини кўрсатади. Таъ-лим алмашинуви нафақат малакали мутаха-ссислар тайёрлаш, балки халқлар ўртасидаги



ўзаро ҳамжиҳатликни мустахкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Ташриф, шунингдек, барқарор ривожла-ниш ва минтақавий ҳамкорлик муҳимлиги-ни намоён этиди. Ўзбекистон ва Малайзия “яшил” энергия ва экотуризм соҳасидаги қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш орқа-ли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташаб-бусларига содиқлигини аллақачон намоён этмоқда. Ислон банк иши ва “ҳалол” стан-дартларини жорий этиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг янги босқичи ҳам қизиқарли бўлиб, бу Ўзбекистоннинг жаҳон ислом мо-лявий тузилмаларига интеграциялашуви и-стиқболларини очди.

Албатта, келишув ва ташаббусларнинг ҳаётга таътибқ этилиши икки давлат ўртаси-даги муносабатларни янада яқинлаштириш учун мустаҳкам асос бўлади. Мазкур ташриф нафақат икки томонлама муносабатларни, балки Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг муҳим иштирокчиси сифатидаги мавқенини ҳам мустахкамлайди.



Лю СЮЙ, Жэньминь университети қошидаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича марказ директори ўринбосари (Хитой):

— Ушбу ташриф мамлакатнинг прагма-тик ташқи сиёсати ва минтақавий ҳамкор-ликни ривожлантириш истагидан далолат беради.

Анъанага кўра, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи доирасида Малайзиянинг етакчи компаниялар вакиллари билан учрашув, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва-киллари иштирокида бизнес-форум ташкил этилди. Бу Ўзбекистоннинг савдо-иқтисо-дий ва инвестициявий алоқаларини мустах-камлаш, мамлакат иқтисодиётига Малайзия сармоясини жалб этиш тарафдори эканини кўрсатади.

Учрашувлар чоғида товар айирбошлаш ҳажмини ошириш мақсадида Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро саноат кўргазмаларини ўтказиш, Саноат коо-перацияси дастурини қабул қилиш бўйича келишувга эришилди.



Марс САРИЕВ, сиёсатшунос (Қирғизистон):

— Ўзбекистон, жаҳон рейтингда қайд этилганидек, Марказий Осиёда энг жадал ривожланаётган давлат ва айтиш мумкин-ки, Марказий Осиёнинг иқтисодий “йўл-барси” ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Осиё йўлбарси” дея эътироф этиладиган Малайзияга ташриф буюргани эса жуда мантиқий туюлмоқда.

Шу боис, фикр-мулохазалар, тажриба ва мутахассислар алмашинуви, иқтисо-дий-инновацион ташаббуслар муҳим аҳа-миятга эга. Уйлайманки, бу тажриба алма-шинуви ҳар икки мамлакат иқтисодиёти ривожига янада туртки беради.

Маълумки, дунёда глобал динамика ўзгармоқда ва Осиё-Тинч океани минта-қаси мамлакатлари иқтисодий юксалишини бошдан ўтказаяпти.

Давлат раҳбарлари 2025-2026 йилларни Ўзбекистон — Малайзия шериклигини ин-новацион ривожлантириш даври деб эълон қилишга келишиб олгани эътиборга лойиқ-дир.

Томонлар иқтисодий ҳамкорлиқнинг янги модели устувор йўналишлари сифа-тида нефть-кимё, электроника ва яримўт-казгич саноати, инновацион саноат, “ақли-” қишлоқ ҳўжалиги, “яшил” энергия, зиёрат туризми ва бошқаларни белгилаб олди.

Шубҳасиз, Малайзиянинг иқтисодий рив-ожланиш ва сармояларни жалб этиш бора-сидаги тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, ушбу мақсадларга эришишда Малайзия то-мони билан муваффақиятли ҳамкорлик му-ҳим аҳамият касб этиши мумкин. Ташриф, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорликка янги суръат бағишлайди, икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустахкамлашга хизмат қи-лади.



Шундай шароитда, менимча, бу тасоди-фий ташриф эмас ва имзоланган салмоқли ҳужжатлар тўплами ҳам Ўзбекистон, ҳам Малайзия тараққиётини янги босқичга кў-таради.

Ўзбекистон, жаҳон рейтингда қайд этилганидек, Марказий Осиёда энг жадал ривожланаётган давлат ва айтиш мумкинки, Марказий Осиёнинг иқтисодий “йўлбарси” ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Осиё йўлбарси” дея эътироф этиладиган Малайзияга ташриф буюргани эса жуда мантиқий туюлмоқда.

Жирауд СИНТУПХАН, Чулалонгкорн университети ҳузуридаги Жанубий Осиё тадқиқотлари маркази директори, профессор (Таиланд):

— Ўзбекистон — Малайзия саммити Ўзбек-кистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўр-тасидаги дипломатик муносабатларда бурилиш даври бўлди. Таиланддаги манфаатдор томон-лар сиёсий ва иқтисодий конструктив ҳамкор-лик имкониятларидан мамнун ва келажакдаги ҳамкорликка умид қилмоқда. Ушбу ташриф ҳар икки давлатга сезиларли фойда келтириши мумкин бўлган мулоқотни кенгайтириш учун янги эшикларни очди.

Мен Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё-дан тарихий ва маданий алоқаларга хайрихоҳ-ман. Олий таълимда, айниқса, илмшунуслик ва маданий алмашинув йўналишларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари фаол давом эттирилиши керак бўлган истиқбол-ли жабҳалардир. Маданий алмашинув муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у халқларимиз ўртасида кўпrik вазифасини бажаради ва умумий ме-росни чуқурроқ англашга кўмаклашади. Мада-ний ташаббуслар билан биргаликда таълим ва



Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги икки томонлама алоқалар халқаро муносабат-лар амалиётида давлатларнинг стратегик мақ-садлари тарихий мерос ва маънавий қадрият-ларни асраб-авайлаш, шунингдек, икки халқ ва келажак авлод фаровонлиги йўлида иқтисодий ривожланиш масалаларида бир-бирига тўғри келадиган муваффақиятли мисолдир. Ўзгариб бораётган дунёнинг бугунги мураккаб шароит-ларида Ўзбекистон ва Малайзия етакчилари ўз давлатларининг ривожланиш истиқболлари ҳақида аниқ тасаввурга эга. Шунингдек, Ўз-бекистон ва Малайзия раҳбарлари томонидан



соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликка ало-ҳида эътибор қаратилиши ҳар икки жамятини бойитибгина қолмай, балки умумий шериклик-ни мустахкамлашга хизмат қилади.

Бу ҳамкорлик нафақат иқтисодий манфаат-ларини, балки маданий ва таълим соҳаларидаги алоқаларни ҳам қамраб олувчи янада чуқурроқ муносабатларга мустаҳкам асос бўлади. Уйлай-манки, ушбу алоқаларни ривожлантириш Ўзбек-кистонга ҳам, Малайзияга ҳам, Таиландга ҳам келгусида манфаат келтирадиган мустаҳкам шерикликка пойдевор яратади.

амалга оширилаётган “Ўзбекистон — 2030” ва “Малайзия Мадани” стратегик дастурларининг мақсад ва вазифалари ўхшашдир. Икки давлат манфаатларининг ўхшашлиги ўзаро ҳамкор-ликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқ-боллари учун ишончли замин яратмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг Малайзияга расмий ташрифи ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим билан ўтказилган самарали музокаралар икки томонлама муноса-батлар ривожига қўшимча суръат бағишлайди ҳамда минтақаларда ҳамкорликка йўл очди. Икки давлат етакчилари Ўзаро муносабатлар-нинг ривожланиши Марказий Осиё ва АСЕАН минтақалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгай-тириш учун ҳам янги имконият ва истиқболлар очилиши яхши тушунади. “Марказий Осиё — АСЕАН” форматда ташқи ишлар вазирлари даражасидаги мулоқот платформасини яратиш каби истиқболли режалар Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг 2024 йилда Ўзбекистонга ташрифи чоғида ҳам муҳокама қилинган эди.

Январ ойида ўтказилган “Мулоқотдан — ҳа-ракат сари: Ўзбекистон ва Малайзия стратегик ҳамкорлик йўлида” мавзусидаги етакчи таҳлил марказлари ва тадқиқот тузилмалари вакиллари иштирокидаги давра суҳбати, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва маданий мероси тақди-моти, икки мамлакат етакчи университетлари ректорлари форуми ва бошқа тадбирлар икки томонлама муносабатлар яқин келажакда стра-тетик даражага чиқишидан гувоҳлик бермоқда.

“Дунё” АА

Навқирон ўғлонларнинг омадини излаб, узоқ сафарга отлангани билан бошланадиган эртақларни кўп эшитганмиз. Балки аксарият тенгдошларим илгари замонда эртақлар ортидан қувиб, ишлаш, давлатманд бўлиш учун олис шаҳар ёки ўзга юртларга юз бургандир.

Камбағалликдан фаровонлик сари

МАҲАЛЛА БАНКИРЛАРИ: ЯНГИ ТИЗИМДАН КУТИЛАЁТГАН САМАРА

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аммо ҳозир даромадли бирор касбнинг бошини тутиш ёки бой ишбилармон бўлиш учун маҳаллангиздан нарига чиқшингиз шарт эмас. Бойси, юртимизда аҳоли вакиллари камбағалликдан чиқариш, бандлигини таъминлаш бўйича шундай тизим йўлга қўйилганки, тадбиркорлик қилишни истайсизми, деҳқончилик қўлингиздан келадими ёки хизмат кўрсатиш соҳасига қизиқишингиз борми — инсталлан йўналишда иш бошлашингиз учун “маҳалла еттичилиги” жонингизга ора киради. Хусусан, бандлик, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш масалаларида маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, солиқ инспектори, ёшлар етакчиси, ижтимоий ҳодим халқимиз вакилларига зарур ёрдам кўрсатмоқда.

Қайси соҳада иш бошлашни ният қилманг, биринчи ўринда маблағ, бошлангич инвестиция масаласи ўртага чиқади. Бу борада яқинда фаолияти йўлга қўйилган маҳалла банкирлари оғирингизни енгил қилади.

Жорий йилнинг 3 февраль куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва инвестициялар жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Президентининг ҳузурида ўтказилган йиғилишда келтирилган рақамлардан йилнинг илк ойиданоқ юқоридаги фикр ўз амалий исботини топаётганига амин бўламиз.

Мазълумотларга кўра, январь ойида 277 минг фуқаро ишли бўлган. Шундан 91 минг нафари доимий ишга жойлашган, 153 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинган. Ишли бўлган фуқароларнинг катта қисми

тадбиркорликка жалб қилингани ҳам янги тизимнинг муваффақиятли йўлга қўйилаётганидан дарак беради.

Шунингдек, 2025 йилда 5 миллион 200 мингдан зиёд аҳоли бандлигини таъминлаш, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш режа қилинган.

Ушбу мақсадга эришиш йўлида Президентимизнинг шу йил 17 январь куни имзоланган “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қонуний асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу қарорда 5 миллион 200 минг кишининг қандай, қаерда, қайси ташкилот назоратида бандлиги таъминланиши аниқ белгилаб қўйилган.

Ҳужжатга асосан, 3 миллион 600 минг киши банклар ёрдамида ишли бўлиши кўзда тутилган. Шундан 2 миллион 100 минг аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, 1 миллион 470 минг нафарини эса доимий ишга жойлаштириш орқали бандлиги таъминланади.

Шу мақсадда йил аввалида 208 та туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда банк раҳбарлари томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини ошириш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, ҳар бир маҳалла бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинди. Унга кўра, тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган аҳолини туман ҳокимлиги жой ва керакли инфратузилма билан таъминлайди. Банклар эса уларнинг иш бошлаши учун маблағ ажратади.

Янги тизимга кўра, “online-mahalla.uz”, “bank-kredit.uz” ва “solik.uz” ахборот тизимлари интеграция қилиниб, масъулларга юк-



Ҳоким Йўлдошев олган суратлар.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

латилган вазифалар ижроси кунлик таҳлил қилиб борилади ҳамда фаолияти қониқарсиз бўлган раҳбарларга қатъий чора кўрилади. Бу эса ҳеч бир масъулнинг ҳўжақўрсинга ишлашга йўл қўйилмаслиги, бажарилган иш ва унинг натижаси қатъий назоратга олинишини билдиради. Шунингдек, икки масъул ташкилотнинг ўзаро келишув орқали ишлаши халқнинг икки идора ўртасида сарсон-саргардон бўлишининг олдини олади.

Юқоридаги ҳужжатга биноан, яна бир янги механизм — “Маҳалла лойиҳаси” дастури йўлга қўйилади. Унга кўра, тадбиркорлик-

да ишонччи қозongan оилавий тадбиркорлик дастурларида муваффақиятга эришган аҳолига кўпроқ муддатга каттароқ ҳажмда маблағ ажратиши белгиланади. Қолаверса, ҳар бир маҳаллада камидан 10 та хонадон учун “лоинҳа пакети” етказиб берилади. Таҳлилларга кўра, ушбу пакетлар орқали оилалар 60-70 миллион сўмдан кам бўлмаган йиллик даромадга эга бўлади. Бу имконият оилавий тадбиркорларнинг кейинги босқичга кўтарилишига трамплин вазифасини бажаради.

Албатта, ушбу жараёнда маҳалла банкирлари аҳоли вакиллари билан банкни боғлаб

Шунингдек, уларга қўмакчи сифатида ҳар бир маҳаллада “ёрдамчи агентлар” тайинланади.

Маҳалла банкирлари банк тизимининг энг кўйи бўғини бўлиб, “хонадонбай” ишлайди. Ҳар бир оиллага кириб бориб, оиланинг ижтимоий ҳолатини ўрганади ва уларни тадбиркорликка жалб қилади.

Маҳалла банкирларининг вазифаси шунчаки аҳолига тадбиркорлик учун кредит олишга қўмаклашишдан иборат эмас. Сабаби, бошлангич сармоя тўғри йўналтирилмаса, стартап лойиҳалар тез орада банкрот бўли-

ши ҳеч гап эмас. Бизнес юритиш ҳам ўзига яраша иқтисодий билим ва кўникмалар талаб қилади. Банкчилар эса айна шу йўналишда мутахассисдир.

Шу боис, маҳалла банкирлари зиммасига тадбиркорликни бошламоқчи бўлганларнинг ғояларини ўрганиб, маҳалла инфратузилмаси, бизнес имкониятларини таҳлил қилган

ҳолда манфаатли тадбиркорлик лойиҳаларига айлантириш, уларни тўғри йўналтириш вазифалари ҳам юклатилди.

Улар аҳолига молиявий тартибларни, маҳсулот ва хизматларни сотиш ва сотиб олишни ўргатиши, аҳоли вакиллари ўз ишларини тўғри йўлга қўйиб олгунча молиявий маслаҳатчиси, керакли тавсиялар берувчи ҳамкорига, уларнинг турли иқтисодий муаммоларини ҳал қилувчи инсонига айланиши талаб этилмоқда.

“Ўзини ўзи банд қилган шахс — яқна тартибдаги тадбиркор — кичик бизнес — ўрта бизнес” занжири асосида тадбиркорликнинг ҳар бир босқичида молиявий хизматлар кўрсатиб борилади.

Маҳалла банкирлари аҳоли ва тадбиркорларни доимий равишда “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш”, “Оилавий тадбиркорлик” ҳамда “Бизнесга биринчи қадам” дастурлари билан таништириб, уларда аҳолига берилаётган имтиёз ва имкониятларни тушунтириб бориши даркор.

Шунингдек, маҳалла банкирларига фойзсиз, гаровсиз кредитларга муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириб, уларга ноутбук, кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўча дўконлар, мотороллер, скутер ва бошқа “пултопар” ускуналар билан таъминлаш вазифаси ҳам юклатилган.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла банкирлари банкнинг жойлардаги қўз-қулоғи, қаққон қўл-оёғи вазифасини бажаради. У ердаги камбағал оилаларнинг кутқарувчисига, ўз омадини излаб юрган инсонларнинг орузумидларини юрт ва давлат бюджетига маблағлари ҳисобига рўёбга чиқарадиган қаҳрамонларга айланиши талаб этилмоқда.

ҲИМОЯСИЗ БИЗНЕС ЭРКИН РИВОЖЛАНА ОЛМАЙДИ

Нуқтаи назар

Дилмурод ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва
қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил

Президентимиз жорий йил 3 февраль куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўтказилган йиғилишда “2025 йил бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади”, дея таъкидлагани бежиз эмас. Бинобарин, бугун Ўзбекистондаги ислохотлардан кўзланган мақсад мамлакатимизни иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишдир. Бунда замонавий, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара оладиган, шу билан бирга, юз минглаб фуқарони иш билан банд қилиш имконини берадиган кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш, шубҳасиз, муҳим ўрин тутади. Ушбу мақсадларни амалга оширишда, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароит яратиш керак.



Хусусий бизнес ва тадбиркорлик инвестициясиз ҳаракатда келмайди. Инвестиция деганда, фақат пулни эмас, балки янги тажриба, билим ва амалиёт кириб келишини ҳам тушуниш керак. Шу жиҳатдан хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига жалб этилиши катта аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда хорижий инвестиция жалб қилишни рағбатлантириш, ушбу йўналишдаги бизнес субъектларини ҳар томонлама ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кўплаб ўзгаришлар юз берди. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш ва фаолиятига



ассосииз аралашуш ҳолатларига қарши қатъий чоралар кўриш мақсадида 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес омбудсман) институти тасвис этилди. Бизнес омбудсман институти давлат ва тадбиркорлар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўташи халқаро амалиёт мисолида яққол намоён бўлди.

Мазкур институтлар 50 дан ортиқ давлатда ташкил этилган ва самарали фаолият юритиб келмоқда. Тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган низоларни судгача ҳал этиш учун хизмат қилади.

Бизнес омбудсман тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган мустақил органдир. Тадбиркорлардан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш ва муаммоларининг қонуний ечим топишида ёрдам бериш, давлат органлари ўртасида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувига қарши курашиш, бизнес учун қулай шароит яратишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасида конструктив мулоқотни йўлга қўйиш унинг асосий вазифалари сирасига киради.

Бизнес омбудсман фаолияти мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Аввало, инвестициявий муҳит яхшиланади. Бу эса хорижий ва маҳаллий инвестиция жалб қилинишига олиб келади. Коррупция ва бюрократ-

тияга қарши курашиш орқали соғлом рақобат муҳити яратилади. Тадбиркорлар учун қулай шароит яратиш иқтисодий ўсишни таъминлайди. Тадбиркорлар ва давлат органлари ўртасидаги ишонсизликни камайтириш билан ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланади.

Мазкур институт қўллаб-қувватлашда, жумладан, Европа Иттифоқи давлатлари, АҚШ, Канада, Япония, Жанубий Кореяда мавжуд. Уларнинг фаолияти турлича бўлиши мумкин, аммо асосий мақсади битта — тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бизнес учун қулай шароит яратиш. Мисол учун, Европа Иттифоқида Европа бизнес омбудсмени фаолият юритади. У аъзо давлатлардаги тадбиркорларнинг шикоятларини кўриб чиқади ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Жаҳон банкнинг “Doing Business” рейтингиде бизнес омбудсман фаолият юритишдан мамлакатлар юқори ўрин эгаллайди. Мисол учун, Янги Зеландия, Сингапур ва Дания каби мамлакатларда бизнес омбудсман институти фаолияти йўлга қўйилган ва улар “Doing Business” рейтингиде етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистонда бизнес омбудсман институти фаолият юрита бошлаганидан буён тадбиркорларнинг мурожаатлари сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу эса уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида бизнес омбудсманга ишончи ортиб бораётганини кўрсатади.

Ишончли ҳимоясиз бизнес эркин тарзда мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас. Шунинг учун Ўзбекистонда ишбилармонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилди. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги ва самарали механизмларини яратиш мақсадида институт институционал ва тузилмавий ислохотлар амалга оширилди. Қонунийлик базаси кучайтирилди, солиқ юки сезиларли даражада камайди. Бу эса мамлакатда кичик ва ўрта бизнес ривожланишига, янги тадбиркор қатлами пайдо бўлишига ҳисса қўшиб келаяти.

Жаҳон иқтисодиётидаги шиддатли ўзгаришлар, рақобатнинг кучайиши, янги имкониятлар ва муаммоларнинг юзага келиши шароитида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланимоқда. Ўзбекистонда бу борада кенг қўламли ишлар бажарилмоқда. 2024 йилнинг ўзида тадбир-



корлар фаолияти учун муҳим бўлган 5 та қонун, 101 та фармон ва қарор қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ҳалол тадбиркор доимо давлат ҳимоясига, менинг ҳимоямда”, деган сўзлари амалда ўз тасдиғини топпоқда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилишига қарши тизимли курашининг самарасини ошириш, тадбиркорлик фаолиятининг ҳимоясини янада такомиллаштириш, ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир.

Бизнес омбудсман Президентга ҳисобдор бўлган орган сифатида мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар қилганди. Бу таклифлар бевосита бизнес вакилларининг мурожаатлари асосида тайёрланади.

Ўтган йили бизнес омбудсманга тадбиркорлардан 9127 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 51 фоизи бўйича тадбиркорларнинг ҳуқуқлари тикланди, қолган мурожаатлар бўйича эса ҳуқуқий тушунтириш берилиди. Мурожаатларнинг аксарияти солиқ, ер, кадастр ва архитектура, банк, кредит, тегишсизлик, суд қарори ижроси ва бошқа масалаларга оид бўлган.

Шунингдек, “Тадбиркор виртуал офиси” орқали 9059 та мурожаат қабул қилиниб, 10 минг 419 та масала бўйича ечим топилиди. Уларнинг 18 фоизи банк ва кредит, 12 фоизи солиқ, 10 фоизи мансабдор шахсларнинг

ҳатти-ҳаракати, 10 фоизи суд ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш, 10 фоизи ер ёки бино ажратиш, кадастр, 8 фоизи инфратузилма ва қолган 32 фоизи бошқа масалаларга тегишли.

Мурожаатлар натижасида тадбиркорларга 34,5 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилиши, 17 миллион сўм ундирилиши ва 15,5 миллион сўм миқдорда асосий тўланган солиқ маблағи қайтарилишига қўмаклашилди. Кўриб чиқилган мурожаатларнинг 13 фоизиде муддат бузилгани аниқланган. Қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 16 та тақдирнома қиритилиб, мансабдор 144 шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва 85 масъул ходимга интизомий жазо чоралари қўлланди.

Бизнес омбудсман девонини томонидан тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, жумладан, 4 та қонун, Президентнинг 4 та фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2 та қарори ишлаб чиқилди. 832 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, улар бўйича 784 та таклиф ва эътироз билдирилди. 21 та таҳлилий маълумотнома асосида тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган 100 дан ортиқ таклиф тайёрланди. Буларнинг барчаси тадбиркорлар ҳуқуқлари доим ҳимояда, уларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон сиёсатининг асосий ва устувор йўналиши эканини аңглатади.

Анвар НУРМАТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мамлакатимизда камбағаллик кўп йиллар давомида ёпиқ мавзу бўлиб келди. Бу ибора ўрнига “кам таъминланганлик” тушунчасидан фойдаландик. Кейинги саккиз йилдаги очиклик сиёсати туфайли камбағаллик даражаси илк бор эътироф этилди.

2016 йилдан бошлаб халқ билан мулоқотнинг янги тизими йўлга қўйилди, инсон қадр ва манфаатлари ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди. 2020 йилда илк маротаба жамиятда камбағаллик борлиги тан олинди, ўтган даврда уни қисқартириш бўйича аниқ тизим амалиётга татбиқ этилди.



2025 йил –

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШДА

ЭНГ МУҲИМ ва ҲАЛ ҚИЛУВЧИ йил

Камбағаллиқни бартараф этишнинг энг тўғри ва энг самарали усули аҳоли бандлиги даражасини оширишдир. Одамлар учун уларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш — мақсад сари дадил қадам. Бунинг учун қишлоқ жойларда тадбиркорликка зарур шарт-шароитлар, инфратузилма, бизнесга қулай муҳит яратиш керак. Яъни бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритиш, дегани.

Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг пировард мақсади камбағаллиқни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш орқали инсон қадрини юксалтиришга қаратилди. Халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, одамларни рози қилиш йўлида катта вазифаларни амалга оширишга киришилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя дастурлари билан қамрашни кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқиш, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Ўтган қисқа даврда камбағаллиқни қисқартириш соҳасида ўзига хос миллий дастур ишлаб чиқилди. Бугун у изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган. Ўз вақтида қўрилаган зарур чоралар туфайли юртимизда камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга камайtirилган бўлса, 2024 йил якуни билан 8,9 фоизга туширилди.

Ҳужжат асосида
2025 йилда аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш дастури ва унинг доирасида мақсадли кўрсаткичлар ҳам тасдиқланди. Дастурнинг амалга оширилишини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 126 триллион сўм йўналтирилади. Бу эса, ўз навбатида, минг-минглаб янги иш ўрни яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, асосийси, одамларнинг реал даромадини оширишга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағаллиқни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги bosқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар ривожини янги bosқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал вазифасини бажармоқда. Унга кўра, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларнинг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Жорий йил 3 февраль кун аҳоли бандлигини таъминлаш ва инвестициялар жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўтказилган йиғилишда

давлатимиз раҳбари томонидан камбағалликка қарши курашиш бўйича ислохотларнинг янги саҳифаси очиб берилди дейиш мумкин.

Президентимиз айтганидек, “2025 йил бандлиқни таъминлаш ва камбағаллиқни камайитиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади”. Чунки бу йил 5 миллион 200 минг аҳолини банд қилиб, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш, 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиб, экспортни 30 миллиард доллардан ошириш ҳисоб-китоб қилинган.

Йиғилишда бу борада бошланган ишлар ва дастлабки натижалар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, январь ойида 277 минг фуқаро ишли бўлган. Шундан 91

минг нафари доимий ишга жойлашган, 153 минг тадбиркорликка жалб қилинган.

Дарҳақиқат, қадриятларимиз ва давлат қўмағида камбағалликка барҳам бериш мамлакатни тараққиётга элтувчи энг тўғри йўлдир. Албатта, давлат қўмағи, яъни ижтимоий ҳимоя, иқтисодий имконият ва ижтимоий масъулият бирга тақдим этилгандагина ижобий натижалар беради.

Шунингдек, камбағаллиқни қисқартириш бўйича 32 та йўналишда янги ёндашувлар жорий этилмоқда. Вазирлик ва ҳокимликлар мутахассисларидан иборат гуруҳлар Хитойга бориб, тажриба алмашиб келди. Энди жойлардаги имкониятлар аҳолига тушунтирилиб, даромад топишга қўмаклашилади.

минлаш ва камбағаллиқни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори одамларнинг бандлигини таъминлаш, юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва камбағаллиқни қисқартиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Зеро, ҳужжатга асосан, 2025 йилда аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш дастури доирасида 5,2 миллион фуқаронинг иш билан банд қилиш белгиланди. Яъни тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этиш, фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 1 миллион 470 минг, ишсизларни мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштириш орқали 430 минг, ҳар бир маҳаллада ўртача 40 тадан, жами 377,6 мингта микролойҳани амалга ошириш эвазига эса 755 минг иш ўрни яратилади.

“Маҳалла лойиҳаси” доирасида соддалаштирилган тартибда лойиҳаларни молиялаштириш учун янги кредит маҳсулотларини жорий қилиш орқали 250 минг, ҳудудларда драйвер лойиҳаларни ишга тушириш эвазига 122 минг, микросоноат марказларини барпо этиш лойиҳалари доирасида 21 минг, аҳолига ер майдонларини ижарага бериш, жумладан, “компания — кооператив — деҳқон хўжалиги” тамойили асосида кооперативлар ташкил этиш эвазига 300 минг фуқаро даромадли меҳнат билан таъминланади.

Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш орқали 1 миллион 169 минг, инвестиция лойиҳалари асосида 290 минг, қурилиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш эвазига эса 169 минг юрtdошимизни даромадли иш билан таъминлаш мақсад қилинган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Аёнки, камбағаллиқни кредит бериш ёки пул тарқатиш билан қисқартириб бўлмайди. Шунинг учун камбағал оилалар аъзоларини касб-хунарга ўқитиш харажатларини қоплаб бериш бўйича 2025 йил 1 майгача ваучер тизими жорий қилинади. 1 февралдан эса касбларга ўқитиш мақсадида ажратиладиган стипендиялар ногиронлиги бўлган шахсларга муддати 3 ойдан кўп давом этадиган ўқув курсларига қабул қилинган камбағал оилалар реестридаги оилаларнинг ишсиз аъзоларига тўланади.

Мазкур тизим дастлаб 1 февралдан Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида синовдан ўтказилади. Маҳаллаларда камбағал оила аъзоларининг ишлаш иштиғи ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган “Фаровон ҳаётга илк қадам”, “Ишон” лойиҳалари ва “Маърифат орқали камбағаллиқни қисқартириш” дастури амалга оширилади.

Ҳужжат асосида 2025 йилда аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш дастури ва унинг доирасида мақсадли кўрсаткичлар ҳам тасдиқланди. Дастурнинг амалга оширилишини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 126 триллион сўм йўналтирилади. Бу эса, ўз навбатида, минг-минглаб янги иш ўрни яратиш, бизнес муҳитини яхшилаш, асосийси, одамларнинг реал даромадини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, йиғилиш ҳамда мазкур қарорда белгиланган вазифалардан кўриниб турибдики, камбағаллиқни камайитириш йўлида иқтисодий ўсишнинг имкон қадар инклюзивлигини таъминлаш, иқтисодиётдаги ютуқлар халқ орасида тенг тақсимланишига ва бундан аҳолининг заиф қатламлари баҳраманд бўлишига эришиш мақсад қилинган. Фақат шу йўл самарали натижаларга олиб келади.

12 километри тўлиқ асфальт билан қопланди, — дейди Қизилқум тумани “Гулобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурашул Валиев. — Туманимиздек олис ва чекка ҳудудлардаги бундай қўламли ишлар аҳолининг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Денов тумани Намозгоҳ маҳалласи ҳудудидан ўтувчи М-41 магистралнинг қатнов қисмида автомобиллар тирбандлиги ҳамда пидедалар йўлагини йўқлиги сабаб кўнгилсиз воқеалар тез-тез содир бўларди. Бу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла аҳли мутасадди идораларга мурожаат қилди. Мурожаат Халқ қабулхонаси мутахассислари томонидан ўрганилди. Муаммога ечим топиб берилди. Шунингдек, Денов туманидаги Сурхон Диёр ва Ёшлик маҳаллалари майдони ва аҳоли сони жиҳатидан анча катта. Мазкур ҳудудда узок йиллардан буён Узун, Шўрчи, Денов туманларини боғлаб турувчи кўприк ва маҳалланинг марказий кўчасидаги автомобиль қатнов йўли ҳам таъмирталмаб эди. Бу нуқулдан қандай нафақат ҳайдовчилар, балки 15 мингдан ортиқ одам азизат чекиб келарди. Аҳолининг мурожаатлари ўрганилиб, ҳақли эътироз мутасаддилар томонидан ижобий ҳал этилди. Натижада 4-Р 101 Г автомобиль йўлининг 4 километрик қисми жорий таъмирланди.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Президент топшириғи — амалда

СУРХОНДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ОРАСИДАГИ
МАСОФА 146 КИЛОМЕТРГА ҚИСҚАРАДИ



Бошланиши 1-бетда

Бугун қурилиш объекти сифатида мазкур автомобиль йўлининг Дарбанд маҳалласи ҳудудидagi қисмида махсус техникалар ёрдамида бетон қопламаси ётқизилмоқда. “Дарбанд — Бойсун — Элбаён” автомобиль йўлининг реконструкция ишлари Озарбайжоннинг “Ланкаран Ёл Тикинти” корхонаси томонидан бажарилмоқда.

— Озарбайжонда йўл қурилиши соҳасида етакчи бўлган компаниямиз Сурхондарё вилоятининг гўзал Бойсун туманидан бошланувчи йирик йўл лойиҳасини амалга оширмоқда, — дейди “Ланкаран Ёл Тикинти” компаниясининг йўл қурилиши лойиҳаси менежери Георгий Силогадзе. — Шунинг баробарида туманлар ҳудудига лойиҳа доирасида хомашё таъминотини йўлга қўйиш ва ишлаб чиқариш мақсадида қатор кичик корхоналар ҳам барпо этдик. Биз асосан сульфидли цементдан кўпроқ фойдаланамиз. Чунки тоғли

Бойсун тумани ҳудудига сел кўп келиши ва ерининг шўрланиш даражаси юқорилиги боис, шу усулни қўллашга қарор қилганмиз. Бунинг ҳаммаси лойиҳада батафсил кўрсатилган.

Сурхон воҳасидаги халқаро аҳамиятга эга мазкур йўл М-39 ва М-41 автомагистралларини бирлаштиради. Пойтахтга ва марказий шаҳарларга юкларнинг етказилиш вақтини сезиларли қисқартиришга хизмат қилади.

— Ишлар тўрт фаслда ҳам тингани йўқ. Айни кунларда ушбу лойиҳа бўйича 4Р-105 “Дарбанд — Бойсун — Элбаён” автомобиль йўлининг 5-70-километри ва 4Р-100 “Мангузар — Жарқўрган — Бандихон — Олтинсой — Денов” автомобиль йўлининг 128-174-километри реконструкция қилинмоқда, — дейди мутахассис Фозилжон Жамолдидинов. — Асосийси, лойиҳа туфайли Сурхон воҳасидан пойтахтга олиб борувчи автомобиль йўли 146 километрга қисқаради. Чунки айланма йўллар ўрнини тўғри кесиб чиқувчи раван йўл эгаллайди. Йўл қурилишда сифат кўрсаткичларига жиддий эътибор қаратилаяпти.

Азлдан йўлсозлик улуг, шу билан бирга, машаққатли касб сифатида баҳоланган. Чунки қадимдан кичик бир йўл ёки кўприк бунёд этилиши туфайли қанчадан қанча одамларнинг мушқули осон бўлиб, манзили яқинлашган. Бугун эса бунинг аҳамияти жуда юқори. Ҳозир сўз юритилаётган қурилиш объектида



500 дан зиёдроқ маҳаллий ишчи ва 7 та давлатнинг юқори малакали йўлсозлари меҳнат қилаяпти. Юзлаб махсус техника жалб қилинган.

Шунингдек, халқаро аҳамиятдаги йўллар ёқасида муҳим инфратузилма ҳам шаклланипти. Жумладан, Бойсун туманидаги Инқобод маҳалласида “Муқтадир-ихтисос-таъмир” хусусий корхонаси томонидан кемпинг хизматлари кўрсатувчи туризм мажмуаси қуриляпти. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 17,5 миллиард сўм. Мажмуа меҳмонхона, умумий овқатланиш ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси, электромобилларни қувватлаш станцияси каби объектларни ўз ичига олади. Лойиҳа ишга тушгач эса воҳалик маҳаллий ёшларнинг 45 нафарининг бандлиги таъминланади. Бажарилаётган бу

каби ишлар нафақат маҳаллий аҳолининг, балки ушбу раван йўлда ҳаракатланадиган барча ҳайдовчиларнинг миннатдорлигига сабаб бўлади.

Сурхондарё вилояти ҳудудига жами 16 минг 170 километр узунликдаги автомобиль йўли мавжуд. Шундан 2843 километри, яъни 18 фоиз қисми умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари. Қолган 13 минг 327 километри ёки 82 фоиз эса маҳаллий ҳокимликлар тасарруфидagi ҳудудий, яъни хўжалиқларро қишлоқ, шаҳар ҳамда аҳоли пунктлари кўчалари.

— Вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳамда унинг таркибидagi корхоналар томонидан йўл инфратузилмасини янада яхшилаш юзасидан 647,4 километр узунлик-

ТИББИЙ СУГУРТА



Дунёда аҳоли сони ошиши баробарида тиббий хизматларга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Қўлаб хорижий давлатларда аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббий хизматлардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида тиббий сугурта тизими жорий этилган. Бу иш билан асосан хусусий сугурта компаниялари шуғулланади. Улар фаолиятини тиббиёт муассасалари билан шартнома асосида амалга оширади. Фуқаролар ушбу сугурта компанияларига белгиланган суммани тўлаб, сугурта полиси олади ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.



Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда ҳам тиббий сугурта тизимига ўтиш ишлари давом этмоқда. 2021 йили Сирдарё вилоятида тажриба-синов сифатида бошланган ушбу тизимни босқичма-босқич 2027 йилгача бутун мамлакатимиз бўйлаб жорий этиш режалаштирилган. Аммо кузатишлардан аҳоли маъжур тизим ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмаслиги аён бўлмоқда. Бунинг билан сўхбатда Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси Жиззах вилояти ҳудудий бош мутахассиси Илҳом Норбоев ҳам таъкидлади.

— Давлат тиббий сугуртаси жамғармасининг вилоятдаги вакили сифатида Жиззахдаги тиббиёт муассасаларининг тиббий сугурта тизимига ўтказилишига бевосита масъулман. Қарийб уч йилдан бери шу йўналишда ишлаяпман. Тўғриси, янги тизимни жорий этиш осон кечмаётти. Аввало, тиббиёт ходимлари, қолаверса, фуқароларнинг бу борадаги хабардорлигини ошириш, улар орасида тушуинтириш ишларини ўтказиш, янги тизим моҳиятини очиб бериш керак. Бу борада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкор-

ликда ишлаяпмиз. Вилоятдаги барча тиббиёт муассасаларига бориб, тиббиёт ходимлари билан учрашиб, уларга давлат тиббий сугуртасининг мазмун-моҳиятини тушунтирдик. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда бир неча бор семинарлар ўтказдик. Ушбу мавзуда аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича ОАВ, жумладан, вилоят телевидениеси, радиосида кўрсатув ва эшиттиришлар берилди. Худудий ва марказий газеталарда мақолалар чоп этилди. Бундан ташқари, маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар ташкил қилиб, давлат тиббий сугуртаси тизимига ўтишнинг мақсади ва вазифалари ҳақида кенг тушунча бериб келяпмиз. Аммо тан олиш керак, бу ишлар етарли бўлмапти. Аҳолидан ташқари ҳатто тиббиётчиларимиз орасида ҳам давлат тиббий сугуртаси тизими бўйича тўлиқ тушунчага эга бўлмаганлар бор. Тўғри, тиббий сугурта тизимига тўлиқ ўтиши-



НАТИЖА УЧУН ИШЛАЙДИМИ?

маркази Жиззах филиали уч йилдан бери жамғарма билан ҳамкорлик қилади. Ушбу йиллар давомида филиалда 250 дан ортиқ фуқарога юрак соҳасида юқори технологияли жарроҳлик амалиёти бажарилди. Бунинг учун жамғарма ушбу филиалга 5 миллиард сўмга яқин маблағ тўлаб берди. Биргина ўтган йили имтиёзли 91 беморда 2 миллиард сўмга яқин маблағ ҳисобига жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

Жорий йилдан бошлаб вилоятдаги 19 та тиббиёт муассасаси жамғарма билан ҳамкор-

“**Одамларнинг хабардорлигини оширишимиз даркор. 2027 йилдан бошлаб сугурта тизимидан юртимиздаги барча фуқаролар фойдаланади. Эътиборлиси, бунинг учун улар пул тўламайди. Яъни оддий тиббий текширувдан тортиб, юқори технологияли мураккаб операцияларгача бепул ўтказилади. Фақат шунинг тўғри тушуниш керак, бу ердаги бепул тиббий хизмат аслида нисбий тушунча. Зеро, фуқаро хизматидан фойдаланаётган тиббий муассаса харажатини Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси тўлайди.**”

мизга ҳали икки йил вақт бор. Лекин тиббиёт муассасалари босқичма-босқич шу тизимга ўтмоқда. Белгиланган муддатгача ҳам тиббиёт муассасаларимизни, ҳам аҳолини давлат тиббий сугуртаси тизимига ўтишга тўлиқ тайёрлаб боришимиз керак.

Бунинг учун, аввало, одамларнинг хабардорлигини оширишимиз даркор. 2027 йилдан бошлаб сугурта тизимидан юртимиздаги барча фуқаролар фойдаланади. Эътиборлиси, бунинг учун улар пул тўламайди. Яъни оддий тиббий текширувдан тортиб, юқори технологияли мураккаб операцияларгача бепул ўтказилади. Фақат шунинг тўғри тушуниш керак, бу ердаги хизмат аслида нисбий тушунча. Зеро, фуқаро хизматидан фойдаланаётган тиббий муассаса харажатини Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси тўлайди.

Мисол учун, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт

лик шартномаси имзолади. Бу давлат тиббий сугуртаси тизимига ўтиш йўлида катта қадам бўлиб, вилоятда тиббий хизматлар қамровини оширади. Сугуртада молиялаштириш тизими ҳам тубдан ўзгаради. Энди фақат бажарилган иш ҳажмига қараб Давлат тиббий сугуртаси жамғармасидан маблағ ўтказиб берилади. Ҳар бир тиббиёт муассасаси ўзи учун ишлайди, пулни ўзи ишлаб топади. Бирламчи бўлинда пул аҳоли жон бошига қараб тўланади.

Фуқаролар яшаш ҳудуди бўйича тиббиёт бригадаларига бириктирилган. Фуқаролар соғлиғи учун қайгурадиган оилавий шифокор ва 4 патронаж ҳамширадан иборат тиббий бригадалар ташкил этилган. Ҳар бир бригадда 2000 киши бириктирилган. Шунча одамнинг саломатлик кўрсаткичи ушбу тиббиёт бригадасининг ишлашига боғлиқ. Тиббиёт бригадалари ўзига бириктирилган аҳолини энди ўзлари излаб юради, тиббий кўрикларга

жалб қилади. Чунки ҳар бир фуқаро учун ажратилган маблағ бор, уни олиш учун фуқаро билан ишлайди. Ҳозир тиббий кўрикка бораписизми-бормаписизми, ҳеч кимнинг иши йўқ. Сугурта тизимида бундай бўлмайди. Тиббий бригадалар аҳолини тиббий кўрикдан ўтиш вақти келганда чақиради, келмаса, бориб олиб келади. Чунки юқорида айтилганидек, унга ажратилган маблағни олиш керак. Фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди, керакли тавсиялар, дорилар берилади. Сўнг унга кўрсатилган тиббий хизматлар электрон тарзда Давлат тиббий сугуртаси жамғармасига жабоб берилади. Жамғармада экспертлар ушбу беморга кўрсатилган ёрдами стандартларга мувофиқ деб баҳоласа, 10 иш кунига фуқаронинг пули шу муассасага келиб тушади.

Стационарларда эса пул даволанганлик ҳолатига қараб тўланади, яъни шифохоналар неча нафар беморни даволаса, шунга қараб пул олади. Сугурта тизими бирламчи бўлинда

ҳам, стационарда ҳам натижа учун ишлайди. Натижа деганда, бирламчи бўлинда сурункали касалликлар учрамаса, касалликлар эрта аниқланса, ўз вақтида профилактик кўриклар ва скрининг текшируви ўтказилиши, эмлаш ишлари вақтида бажарилиши тушунилади. Стационарда эса натижа шу бемор тўлиқ соғайиб чиқиб кетишига айтилади.

Энди фуқаролар Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси маблағи ҳисобидан хусусий клиникаларда ҳам даволаниши мумкин. Агар хусусий клиникалар соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган талабларга жавоб берса, Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси улар билан шартнома тузади. Бу эса беморларда даволаниш учун шифохонани танабл имкониятини пайдо қилади. Фуқаро хоҳласа, давлат шифохонасида, хоҳласа, хусусий клиникада даволанади. Жамғарма эса маблағни ўша жойга йўналтириб беради.

Замон билан ҳамнафас



Аёл жамият тараққиётига бевосита ва билвосита дахлдор. У оилада она, опа, сингил, фарзанд, келин, жамиятда ишчи, педагог, доктор, бошқарувчи, депутат. Хуллас, аёлсиз бирор фаолият мавжуд эмас. Оиладаги муҳит, фарзандлар тарбияси, эркакнинг матонати ва жасорати аёлнинг маънавияти ва маърифатига боғлиқ.



сабаби келажак авлод тақдири бевосита оналарга боғлиқлиги ва фарзандларга тўғри йўл кўрсатиш, ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, илм ва хунарга йўналтириш каби ишларга уларнинг масъул эканидир.

Шарқ мутафаккирлари бола тарбиясига у ҳали ҳомила ҳолида киришишни масъалат беради. Бунинг учун нималарга эътибор бериш керак, деган савол кўпчиликини қизиқтиради. Аввало, ҳомиладор аёлнинг турмушида ҳалоллик, поклик, озодаллик, маърифат билан ошнолик, дуо ва яхши ниятларни мунтазам айтиб, ва-



Сабоҳат ЖУМАНИЁЗОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси

ОИЛАВИЙ ФАЙЗ ТИМСОЛИ

Шарқ халқларининг “Манас”, “Тўмарис”, “Алпомиш”, “Қунтуғмиш”, “Тўрғеги”, “Ойсулов”, “Орзуғул”, “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо” каби буюк эпос ва достонларида аёл доимо эркак кишига дўст, ёр, оқила, оилавий фойзнинг тимсоли сифатида улуғланган.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да фарзанд тарбиясида онанинг муҳим вазифаси болаларимизни ёшдан оила, маҳалласи, ватанига меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш экани айтилган.

Аёл фитратан, бир томондан, назокат тимсоли бўлса, иккинчи томондан, жамиятга энг таъсирли қудратдир.

Абу Райҳон Беруний ўз қарашларида хотин-қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. “Минералогия” трактатида оила қураётган қизларга ота-онанинг насиҳатларини келтириб, оиладаги тинч-тотувлик, бахтиёрлик кўпроқ аёллар зиммасига тушунишни таъкидлайди. Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб иқод этган Аҳмад Дониш “Наводир ул-вақое” (“Нодир воқеалар”) асарида оилавий бахт кўпроқ хотинларга боғлиқ, чунки эркак учун

солиҳа хотиндан ортиқроқ ҳеч бир неъмат йўқдир, оиладаги иноқлик, тотувлик, саранжомлик улар қўлидадир, деган фикрни илгари суради.

Мирзо Улугбекнинг фикрича, болада билим олишга бўлган қизиқиш, ҳавасни оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўрин эгаллайди. У ота-оналарни ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор беришга даъват этган.

Оила одоби ва оилада аёлларнинг фазилатлари ҳақида буюк мутафаккир Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ажойиб фикрларни баён этган. “Яхши хотин оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодаллиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осийишталлиги ундан. Ҳусни бўлса, кўнгил ёзиги, хушмуомала бўлса, жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом қарор топади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради”, дейди шоир.

Сўнгги йилларда аёл-қизларнинг билими, тарбияси ва ҳуқ-қатворига эътибор бериш долзарб масалага айлانмоқда. Бунинг

танпарварликни шакллантирувчи китоблар ўқиб туриши лозим. Бу тўғрисида фарзанднинг келгусида ватанпарвар,



тарбияли, одобли, эътиқодли, чин инсон бўлиб камолга етишида жуда катта аҳамиятга эга.

Турк олими Ризоуддин ибн Фахруддин “Оила” асарида: “Хотунлари тарбияли бўлган халқ тарбияли хотунлари тарбиясиз бўлган халқ тарбиясиз, хотунлари тириш-шарқ, тадбиркор, иродали бўлган халқ бою хотунлари ялқов ёки исрофгар халқ фақир бўлиши аниқдир”, дейди.

Абдурауф Фитрат оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлишига эътибор қаратади.

Президентимизнинг “Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласа, аввало, мўтабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратилишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади”, деган сўзлари исботи ўларок, бугун юртимизда ҳар жаҳада аёллар улуғланмоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда салоҳият ва имкониятларини рўёғга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш борасида жуда улкан ишлар қилиняпти. Жумладан, аёлларни янада кўпроқ билим олишга ундаш, жамият ҳаётида фаолликка ҳамда ўз ҳақ-хуқуқларидан оқилона фойдаланишга чақиртиш, уларда мамлакат ҳаётига дахлдорлик ҳиссини шакллантириш учун “Аёллар форуми”, “Гендер тенглик фаоли” каби миллий ташаббуслар ўтказиб келинмоқда. 2024 йил сарҳисоби бўйича ушбу танлов 10 та номинацияда ўтказиб, Республика Маънавият ва маърифат марказининг Oyinapuz портали “Гендер тенглик фаоли” миллий танловига 1-ўринни қўлга киритди.

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида қабул қилинаётган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини гендер-хуқуқий экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш йўналишида эътирофга молик ўзгаришлар юз берди. Айниқса, шаҳар, туман ҳокими, вазири каби масъулиятли лавозимларга аёллар тайинланди. Уларнинг бошқарув соҳаларидаги улуғлиги 33 фойзага, тадбиркорлик соҳасида 35 фойзага, сиёсий партияларда 44 фойзага, олий таълимда 47 фойзага етди. Амалга оширилган ишлар самараси ўларок, мамлакатимиз 2024 йилда Гендер тенглик ва бошқарув индексига 103-ўриндан 51 поғонага юқорилаб, 52-ўринни эгаллади.

Юртимизда қизларни спортга жалб этиш борасида зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. “Соғлом онадан соғлом бола” каби эзгу ғоя асосида жуда кўплаб дастурлар амалга оширилляпти.

Ҳар йили олий маълумотга эга бўлмаган, мутахассислиги бўйича камиди 5 йил меҳнат стажига эга 500 хотин-қиз тавсиянома билан тест синовлари натижаларига мувофиқ, контракт асосида давлат олий ўқув юртиларида ўқияпти. Шунингдек, магистратура босқичида ўқиётган барча аёлларнинг контракт тўловлари қопланмоқда ва ахтиржаъдан оила фарзанди бўлган хотин-қизлар давлат гранти (2000 та квота) асосида ўқинишга қабул қилинмоқда. Шу билан бирга, 7 йилга фойсиз кредит ажратилиб, муҳтож ёлғиз аёллар ва боқувчисини йўқотган қизларнинг олий таълимдаги контракт тўловлари қоплаб беришмоқда. Бир сўз билан айтганда, юртимизда аёлнинг чинакам бахтли яшашини, интеллектуал ва маънавий юксалишини, касбий ҳамда оилавий мажбуриятларини уйғун тарзда бажариш учун кенг имкониятлар яратилган.

Оилада фарзанд тарбиясида аёл кишининг ўрни деганда, фахр билан айтганимиз, бугунги кунда ўзбек оилалари, хусусан, оналаримиз, аёлларимиз оиланинг соғлом иклилиги, оила бағрида фарзандларини элюртнинг муносиб ўғил-қизлари, ватанининг ҳақиқий содик фуқароси бўлиб воёга етишишда жон қўйишмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулиятини ошириш мақсадида обрў-эътиборли, билимли хотин-қизлардан иборат “Оқила аёллар” ҳаракати ташкил қилинди.

Ўзбекистонда аёлларнинг бахтли ва ўз касбининг устаси бўлиш учун барча шароитлар етарли. Демак, энди хотин-қизлар ўз имкониятларини ишга солиб, порлоқ келажакни бунёд этишга ҳиссасини қўишсини мумкин. Чунки бу ўзгаришлар, янгиликларни ҳис қилиш ва ташаббус кўрсатиш, фаол бўлиш ҳар биримиздан масъулият талаб этади.

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш мақсадида миллат оналари яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзларига берилган ишонччи оқлашни, ватанпарварлик жасоратини кўрсатиб, юртимиз ривожига ва келажак учун хизмат қилиши муҳим аҳамият касб этади.

“АМИР АЛИШЕР”

ДУНЁ КЕЗМОҚДА




Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини билмоқ — ўзликни англамоқ, у ҳақда сўзламоқ — миллатни тарғиб этмоқ, уни танитмоқ — ўзбек элини, ўзбек маънавиятини англамоқ демак. Улуғ бобомиз буюк ижодкор бўлиш билан бирга улкан давлат арбоби ҳам эди. У ўз ҳаётининг катта қисмини туркий тил, туркий халқлар тамаддуни учун бахшида этди. Асарлари бир умумий ва юксак концепция — туркий олам тафаккури, маънавияти ва маданиятини камол топтириш доирасида яратилган.

Илѐс ИСМОИЛОВ, филология фанлари доктори

Навоийни туркий тилда “кўп ва хўб” ижод қилишга, Шарқ адабиѐтида мезон ва чўққи ҳисобланган “Хамса”ни яратишга, шеърятининг энг нафис жанри бўлган ғазалнинг минглаб намуналарини ёзишга, фanning адабиѐтшунослик, тилшунослик, диншунослик, тарих каби соҳаларида қалам тебратишга ундаган асосий омил ҳам айнан туркий олам саодати ҳақидаги идеаллари эди.

Юртимизда шoir ижодининг мана шундай муҳим жиҳатларини теран англаган ҳолда уни янада оммалаштириш ва илмий асосда чуқур ўрганиш, халқчил қарашларини жамият ҳаётининг турли соҳаларига таъбиқ этиш учун кенг имкониятлар яратилган. Бугун мамлакатимизнинг илм-фан, таълим, иқтисодиѐт, маданият каби соҳаларида “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” тамойили асосида кенг қўламли ислохотлар олиб бориляпти. Бу жараѐнда миллий юксалишнинг рухий-маънавий асосларини ташкил этувчи буюк мутафаккирлар асарлари, шoir ва адибларнинг ижод намуналарини кенг ёйишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Алишер Навоий ўз асарларида тасвирлаган тинчлик, тенглик, адолат, халқчилик каби улутвор ғоялар давлат бошқаруvinинг барча бўғинларига, халқ ҳаётининг муҳим соҳаларига жорий этилмоқда.



Иса ҲАБИББЕЙЛИ, Озарбайжон Миллий илмлар академияси президенти, академик:

— Шухрат Сирожиддиновнинг “Амир Алишер” монографиясида Ҳазрат ҳаѐтига оид юз йилдан буюн навоийшуносликда мавжуд қатор хатolikларга аниқлик киритилган. Уларнинг сабаблари ўрганилиб, қиѐс асосида хулосалар чиқарилган. Қисқаси, рисола орқали шу вақтга қадар уудаланмаган улкан иш — Алишер Навоийнинг илмий биографияси яратилган.

Сўнгги йилларда нафақат ички сиѐсатда, балки ташқи сиѐсатда ҳам маънавият ва адабиѐтга эътибор кучайди. Ўзбекистон қўшни давлатлар билан аҳил-иноклик, бирдамлик, дунѐ ҳамжамияти билан эса очик ва кўп векторли ташқи сиѐсат юритилмоқда. Энди мамлакатимиз ташқи сиѐсатда илм-фан, адабиѐт, хусусан, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби ижодкорлар асарлари ва қарашларидан “юмшоқ куч” сиѐсатида фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 15 октябрда Бoku шаҳрида ташкил этилган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида адабиѐт билан боғлиқ муҳим ташаббусни — “Туркий адабиѐт дурдоналари” номли 100 жилдли тўпلامни ташкилотга аъзо давлатларнинг тилида нашр этиш таклифини илгари сурди. Натижада мазкур тўплам 2022 йили ташкилотнинг Самарқанд саммити арафасида биринчилардан бўлиб лoтин алифбосига асосланган ўзбек тилида чоп этилди ва китобхоналарга етказилди.

Бу, шубҳасиз, узоқни кўзлаб билдирилган ижобий ташаббус бўлди. Шу орқали, бир томондан, мамлакатимиз аҳолиси ўртасида

таржима қилиниб, халқаро миқѐсда эътироф этилган навоийшуносликка оид асарларимиз йўқ ҳисоби.

Хорижлик мутахассислар бундай ҳолатда, табиийки, Алишер Навоий ҳаѐти ва ижоди, бинобарин, турк дунѐсининг маънавий қиѐфаси ҳақидаги ҳақиқатларни миллий нигоҳ ва ватанпарварлик кайфияти билан ѐзилган тадқиқотлардан эмас, балки бегона кўзқараш, ѐт мафкура ва дунѐқараш таъсирида ѐзилиб, жаҳонда кенг тарқалган тадқиқотлардан олишга мажбур бўлди. Шу тариқа дунѐ халқларида Алишер Навоий ҳаѐти, фаолияти ва ижоди — ўзбек халқи, туркий олам маънавияти ҳақида баъзан бирѐқлама ва сохта тасаввурлар шаклланди, баъзан эса улар асл ҳақиқатдан тўла баҳраманд бўла олмади.


Шу маънода, “Амир Алишер” номли тадқиқотнинг жаҳон тилларига таржима қилиниб, нашр этилиши илм-фан, маънавият ва сиѐсат нуқтаи назаридан катта воқеа бўлди. Бу воқеанинг қўлами ва моҳиятини тўлиқ очиб бериш, фаннимиз ва давлатчилигимиз учун нақадар муҳимлигини ойдинлаштириш учун бунга қадар Алишер Навоий ҳаѐти ва ижоди бўйича

амалга оширилган илмий тадқиқотлар тарихи ва моҳияти билан мухтасар таништиришга тўғри келади.

Алишер Навоийнинг ҳаѐти ва фаолияти тўғрисида “Амир Алишер”га қадар ҳам бир неча китоб ѐзилган. Уларнинг асарияти ва муҳимлари собиқ совет тузumi йилларида яратилган бўлиб, табиийки, кўпида мустабид давр мафкураси устуворлик қилган.

“Амир Алишер” тадқиқотининг яратилиши ва дунѐ тилларига таржима қилиниб, кенг ёйилиши, аввало, буюк ўзбек мутафаккири, қолаверса, ўзбек маънавияти, адабиѐти, туркий олам маданияти тўғрисидаги сохта ва ѐлгон қарашларга илмий асосда халқаро даражада барҳам беришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Ушбу асарда улуг шoir ҳаѐти ва фаолияти, бинобарин, ўзбекнинг маънавий-маърифий қиѐфаси ҳақидаги ҳақиқатлар миллий нигоҳ ва ватанпарварлик нуқтаи назаридан ѐритилган.

Монография, аввало, олимнинг Алишер Навоий ҳаѐти ва фаолияти бўйича 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида олиб борган фундаментал ва заҳматли илмий изланишларининг ўзига хос умумлашмасидир. Навоий феноменининг назарий жиҳатларини асарлари, ижоди ўзида мужассам этган бўлса, давлат арбоби



сиѐсатидаги фаолияти, ишлари унинг амалий ифодасини акс эттирди. Шу маънода, улуг шoir фаолиятини ўрганиш, унинг асл табияти ва мазмунини очиб бериш моҳиятан шoir

Алмаз Улви БИННАТОВА, Озарбайжон Миллий илмлар академияси бўлим бошлиғи, профессор:

— Монография Алишер Навоий ҳаѐти ва ижодини таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга. Асарнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда аниқ кўлѐзма манбаларга асосланган ҳолда Навоий ҳаѐтининг турли босқичлари ѐритилган. Ушбу муваффақиятли тадқиқот улкан меҳнат самарасидир.

ижодини тадқиқ этишдан фарқ қилмайдиган муҳим масаладир.

“Амир Алишер” асари илк бор Тошкентда 2023 йили Ўзбекистон Азувчилар уюмчаси ҳoмийлиғи билан “Адабиѐт” нашриѐтида чоп этилди. Китобнинг тузилishi ҳам номланишига мувофиқ, У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “Алишер Навоийнинг ѐшлиғи” деб аталади ва шoir ҳаѐтининг 1441-1469 йилларини қамраб олган. Иккинчи қисм “Амир Алишер ва сарой” деб номланган. Унда Амир Алишер ҳаѐтининг 1469-1501 йиллари ҳақида ҳикоя қилинади. Китобнинг охирига Алишер Навоий қурдирган иншоотлар ҳамда унинг ҳoмийлиғи ва таклифи билан ѐзилган асарларнинг тўлиқ рўйхати ҳам илова қилинган.

“Амир Алишер” олимнинг аввал ѐзлон қилинган тадқиқотларидан бир неча жиҳати билан фарқ қилади.

Биринчидан, ушбу асарда асосий эътибор Алишер Навоийнинг ҳаѐти ва сиѐсий фаолиятини қадимий ва илк манбалардаги

маълумотлар билан ҳолисона ѐритишга, шу масала атрофидаги тарихий фактларни тизимлаштиришга қаратилган. Масалан, олим бу тадқиқотида Навоий ва Абу Саид, Навоий ва Маждиддин муносабатларига оид ҳақиқат ва уйдирмаларни, Навоийнинг Астрободга сургун қилинган ҳақидаги қарашлар тўғрисида чиқарилган, шунингдек, Навоийнинг Машҳаддаги ҳаѐтини ишончли илмий манбалар асосида ѐритиб беради.

Иккинчидан, бу китобга муаллифнинг олдин ѐзлон қилинган ишларига муайян сабабларга қўра қирмай қолган янги маълумотлар қўшилган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг мактуби билан боғлиқ фактлар, Навоийнинг

нега оила қурмагани ва тоғаси Мир Саид Кобулий нима учун “Кобулий” нисбасини олгани ҳақидаги фасллар айни шулар сирасига қиради.



Элизабет РАГАФНИН, Италиянинг Ка-Фоскари университети профессори:

— Ҳамкасбимиз Шухрат Сирожиддиновнинг “Амир Алишер” номли янги монографияси том маънода илмий хазинадир. У Марказий Осиѐ туркий адабиѐти ва шеърятини хусусида инглиз тили илмий жамоатчилиқда узоқ йиллардан бери мавжуд бўлган бушиқчини тўлдирди. Бу асарда теуирийлар даврининг энг муҳим шахсларидан бири бўлган Алишер Навоий ҳаѐти ҳамда фаолияти чуқур тадқиқ қилинган, шoirнинг объектив таржimai ҳoли тақдим этилган. Ўн йилдан ортиқ давом этган пухта тадқиқотлар асосида академик Ш.Сирожиддинов бу аjoyиб шахс ҳақида тўлиқ ва етарли маълумот тўплаган ҳамда мазкур китобда илмий жамоатчилиқка тақдим қилган.

Алишер Навоий — буюк шoir, давлат арбоби, теуирийлар султони Ҳусайн Бойқаронинг ишончли маслаҳатчиси, туркий тилининг қатъий ҳимоячиси ва қўлпаб шoirлар, олимлар ҳамда санъаткорлар ҳoмйиси. Шу боис, бу феномен узоқ йиллардан бери туркологларни ўзига жалб қилиб келган ва дунѐ бўйлаб тадқиқотчиларни илҳомлантирган. Ушбу янги монографияда шoirнинг шахси турли жиҳатлардан ўрганилган. Олим Алишер Навоийнинг библиографияси ва ҳаѐт йўлини жуда чуқур ўрганиб, мутахассислар учун ҳам, оддий китобхоналар учун ҳам бу буюк шахснинг ҳар бир жиҳатини, жумладан, илгари эътибордан четда қолган диний ва илоҳиѐтга доир қарашларини қамраб олган қимматли манба тақдим этади. Совет даври олимлари томонидан эътиборсиз қолдирилган мавзулар мазкур илмий асарда янги ва чуқур таҳлиллар билан баѐн этилган.

Матншунослик ва манбашунослик, туркология ва тарих соҳаларига қимматли ва жуда аҳамиятли ҳисса қўшгани учун Шухрат Сирожиддиновга чин қалбдан миннатдорлик билдираимиз.

Нури ТИНАЗ, Туркиянинг Мармара университети профессори:

— Рисолада турли тарихий ва архив материалларига, жумладан, кўлѐзма манбалар ҳамда Навоийнинг замондошлари ѐзиб қолдирган тарихий асарларга таянилган. Айниқса, Ҳусайн Бойқаро, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий, Зайниддин Восифий ва бошқа муаррихларнинг асарлари муаллиф томонидан таҳлил қилинган. Ушбу манбалар орқали Навоий ҳаѐтининг илгари кам ўрганилган жиҳатлари ойдинлаштирилган.

Учинчидан, аниқлаштириш нуқтаи назаридан қўшимча изланишларга қўл урилган. Шу боис, аввалги тадқиқотларга қирмай қолган масалалар аниқлаштирилган. Жумладан, Навоийнинг отаси ҳақида нима учун шoir ҳаѐтлик даврида ѐзиб қолдирилмаган деган масала очикланган. Навоийшуносликдаги бир неча янглиш фикр тўғрилган, ҳатто муаллифнинг ўзи аввалги ишларида йўл қўйган хатолар ҳам тан олинди, тузатиш киритилган. Хусусан, Алишер Навоий туғилган жой ҳақидаги баҳсларга нуқта қўйилиб,

ди. Ушбу нашр Афғонистондаги ўзбеклар учун улкан туҳфадир.

Асарнинг 2025 йилда Шаҳло Норалиева томонидан қозоқчага ўғрилиб, Чимкент туманида нашр этилгани эса Алишер Навоий таваллудининг 584 йиллик тўйига муносиб тўѐна бўлди.

“Амир Алишер” тадқиқотининг жаҳон тилларига таржима қилиниши, аввало, ўзбек навоийшунослиғи учун катта ютуқ ва янгиликдир. Шунингдек, ушбу воқеа яна икки муҳим вазифа ижроси учун хизмат қилади.

Себаҳат ДЕНИЗ, Туркиянинг Мармара университети профессори:

— Шухрат Сирожиддиновнинг “Амир Алишер” монографиясида Навоий илмий биографияси юзасидан яратилган аввалги тадқиқотларга қараганда кўпроқ аниқ тафсилотлар келтирилган. Жумладан, унинг бадий истеъдоди ѐшлигидан бошлаб шаклланиган, Ҳусайн Бойқаро билан дўстлиги ва бу муносабатнинг кейинги ҳаѐтига таъсири батафсил ѐритилган. Тадқиқотда Навоийнинг йигитли йиллари, давлат бошқарувидаги иштироки, адабий мактаб яратишдаги саъй-ҳаракатлари ҳамда ўз даврининг ижтимоий-сиѐсий воқеаларига муносабати ҳам ўз аксини топгани ва тарихий фактлар билан исботлангани асарнинг илмий қийматини оширган.

шoir Ҳиротда дунѐга келгани далилланган.

Тўртинчидан, китобда муаллифнинг баѐн услуби ўзгарган, яъни аввалги тадқиқотларида юксак академизм кўрсатиб, чуқур илмий таҳлиллар берган бўлса, “Амир Алишер”да ана ўша маълумотлар мазмун сақланган ҳолда кенг китобхоналарга тушунарли тарзда, имкон қадар мухтасар ва фойдаланиш учун қулай қилиб соддалаштирилган.

Туркий дунѐнинг машҳур сиймоси ҳаѐти ва фаолияти тўғри талқин этилган, жиддий илмий асосларга таяниб яратилгани, туркий олам маънавияти намоѐн этилиши каби сабаблар тўғрисида “Амир Алишер” асари тезда илм аҳли орасида кенг ѐйилди, китобхоналар манзур бўлди. Эътиборли жиҳати, асар шухрати халқаро миқѐсда ҳам ѐйилиб, эътироф қозона бошлади. Бир-икки йилда кўплаб тилларга таржима қилинди ва бу жараѐн ҳали ҳам давом этмоқда. Жумладан, асар 2023 йили Гулбаҳор Ашурова томонидан турк тилига ўғрилиб, Бокудаги “Илм ва таҳсил” нашриѐтида чоп этилди.

“Амир Алишер” Озарбайжонда донг таратгач, тезда Туркиядаги адабиѐтшунослар эътиборини тортди. Бу китоб 2023 йили Булент Байрам томонидан турк тилига ҳам ўғрилди ва Анкарадаги машҳур “BENGÜ YAYINLARI”да босилиб чиқди.

“Амир Алишер”нинг кейинги “сафари” Америкага бўлди. Китоб 2024 йилда инглиз тилига “Эмир Али-Шир Навоий” номи билан

Улардан бири, ўзбек халқи, шунингдек, бутун туркий халқлар тамсилчиси бўлган Алишер Навоийнинг дунѐ зиѐлилари орасида, халқаро миқѐсда муносиб эътироф топиши ва у ҳақидаги асл ҳақиқатларни улаиш нуқтаи назаридан жиддий илмий қадамдир.

Иккинчиси, ушбу тадқиқотнинг халқаро миқѐсда кенг ёйилиши давлатимизнинг ташқи алоқалардаги “юмшоқ куч” сиѐсатида навоийшуносликнинг муносиб ҳиссаси сиѐсатида қўшилди. Шубҳасиз, мазкур тадқиқот ва таржimaiлар Алишер Навоий ҳаѐти ва фаолияти, бинобарин, ўзбек халқи, туркий маданият ва маърифат тўғрисида халқаро ҳамжамиятга муҳим ва ижобий тасаввур беришга хизмат қилади.

Амир Алишернинг ўзи “Олибмен тахти фармонимга осон, Черик чекмай Хитодин то Хуросон”, дея таъкидлаганидек, дунѐ зиѐлилари орасида туркий халқлар ўтмиши ва маданиятини тарғиб этиш асосида янги Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш, ички имкониятларини янада жаҳондор қилиб кўрсатишга ѐрдан беради. Хорижий давлатларда Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ўзбек тили ва адабиѐтини ўрганишни кенг тарғиб қилади, мамлакатимиз нуфузини оширишга қўмаклашади. Шу савия ва руҳдаги илмий тадқиқотларнинг янада кўпайиши эса ватанимиз шарафини юксалтиради, ҳам маданият, ҳам иқтисодий фаровонликка замин яратади.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН АЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА Ўқиш УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИАРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва ѐзлонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлѐзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун ѐрунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
36060 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Афсет усулида босилган. Қoғoз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриѐт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойкулов
Муасххх: Аслиддин Абдуразаков
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:15 Топширилди — 00:40